



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 24-fevral. Payshanba 24 (31.300) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Миллатлараро тотувлик — тинчлик ва барқарорлик омили

Пойтахтимизда «Миллатлараро тотувлик — тинчлик ва барқарорлик омили» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази томонидан Республика қирғиз миллий маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда турли жамоат ва ижодий ташкилотлар вакиллари, ёзувчи ва олимлар, миллий маданият марказларининг фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Давра суҳбатида қатнашганлар Президентимиз Испом Каримов раҳнамоллигида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши борасида олиб борилаётган эзгу ишларда миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва баргиреклик муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Давра суҳбатида хориждаги айрим марказлар ҳамда ахборот агентликлари томонидан Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик, минтақамиз халқларининг қадимий дўстлиги ва қардошлиги, жамиятимиздаги аҳиллик ва барқарорлик муҳитига раҳна солишга қаратилган ахборот хуружлари уюштирилаётгани гаразли мақсадлардан бошқа нарса эмаслиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, бир неча хорижий ахборот агентликлари Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакиллари, жумладан, ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик, биродарлик алоқаларини бузишга қаратилган ахборотлар таркатаётгани қайд этилди. Давра суҳбати иштирокчилари бундай гараз ниятли ахборот хуружлари ҳақиқатга мутлақо тўғри келмаслигини таъкидлаб, ўзларининг кескин норозилик муносабатларини билдирди. Бундай ҳаракатлар замирида Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувликни издан чиқаришдек гаразли ниятлар борлиги кескин қораланди. Бундай уринишларнинг олдини олиш эса юртимиздаги, миллати, тили, диний эти-

қодидан қатъи назар, барча фуқаролардан мустақкам ҳаётий позицияга эга бўлишни талаб этади. Бу бarchамизни Ватанимиз мустақиллигини янада мустақкамлашга, жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликни кўз қорачигидек асраб-авайлашга, турли гараз ниятли информацион хуружларга нисбатан ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди. — Ўзбекистонда бир юз эллика яқин миллий маданият маркази самарали фаолият кўрсатмоқда, — дейди Республика қирғиз миллий маданият маркази раҳбари Раҳматулла Жабборов. — Мамлакатимиз Конституциясида белгиланган Ўзбекистонда истиқомат қилаётган, миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, рўёбга чиқаришга оид тамойиллар ҳаётда ўзининг тўла ифодасини топмоқда. Буни фарзандларимиз ўз она тили — қирғиз тилида таълим олаётгани, қизиқиши бўйича касб-хўналар эгаллаётгани, меҳнат қилаётганида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: ҳамкорликдаги янги лойиҳа



Собир НАРЗИЕВ олган сурат.

Марҳамат, таклифингизни айтинг!..

Иқтисодий ўқув жараёнида депутатларга фаол ҳаракат учун зарур тавсиялар берилди

Маҳаллий бюджетни тасдиқлаш ва ижросини назорат қилиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатига қиради. Бу ваколат сиёсий партияларга ўз дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга жорий этишда катта имконият яратди. Бунинг учун депутатлар маҳаллий бюджетни шакллантириш ва тақсимлаш жараёнини яхши билиши ва бу жараёнда фаол иштирок этиши лозим.

Ана шундан келиб чиқиб, партиямиз Қашқадарё вилоят кенгаши вилоят Молия бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этган семинар «Вилоят маҳаллий бюджетини шакллантириш асослари» мавзуйига бағишланди. Унда ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари раҳбарлари, масъул ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партиямиз депутатлари, молия бошқармаси мутахассислари ҳамда ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

→ 2

Ваколат бор, салоҳият етарли, аммо...

маҳаллий вакиллик органларига сайланган айрим депутатларимизда қатъият ва журъат етишмаяпти

→ 2

Иқтисодиёт ва ислоҳот

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК: Локомотив паркида янги электровозлар

Кейинги йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг локомотив паркани янгилаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Жумладан, Хитой Халқ Республикасида 15 та замонавий тезорар электровоз олиб келишга қарор қилинган.



Шу муносабат билан 2008 йил 21 июнда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Хитойнинг «CSR Zhuzhou Elektrik Lokomotiv Co Ltd» компанияси билан шартнома имзолаган эди. Шартнома миқдори 73,8 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, бунинг 70,11 млн. доллари, яъни 95 фоизини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига Хитойнинг «Эксимбанк»и томонидан 20 йил муддатга ажратилган кредит маблағи ҳисобидан бажарилади. Унда беш йиллик имтиёзли давр ҳам мавжуд. Қолган 5 фоиз — 3,69 млн. АҚШ долларини компания маблағлари ҳисобидан қопланади.

2009 йилнинг май ойида шартнома шартлари бажарилишига киришилди. Хитой «Эксимбанк»и томонидан дастлабки тўлов «Чучучоу электровозсозлик компанияси» ҳисобига ўтказилди. Утган йилнинг июнь ойида Тошкент темир йўл вокзалида Хитойдан келтирилган иккита замонавий, тезорар электровознинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, «Чучучоу электровозсозлик ком-

панияси» Ўзбекистоннинг буюртмасини ўз вақтида бажармоқда. 2010 йилнинг август ойида яна 3 та, декабрь ойида 3 та электровоз келтирилди. Умуман, ўтган йилнинг ўзида 8 та электровоз келтириб бўлинди. Шу йилнинг январь ойида 1 та, февралда яна 3 таси етиб келди. Март ойида эса сўнгги 3 та электровоз олиб келиниши кутулаяпти.

Барча 15 та электровоз келтирилганидан сўнг, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати янада ошади. Йиллик йўловчи ташиш айланмаси 2012 йилга бориб 355 млн. йўловчи километрини ташкил этади.

Хозирги вақтда Тошкент — Мароқанд йўналиши бўйича электровозлар қатнаб турибди. Яқин келажақда Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз йўналиши бўйича электрлаштириш ишлари якунланган, бу йўналишда ҳам тезкор, замонавий ва экологияга ҳеч қандай зарар етказмайдиган электровозлар қатнай бошлайди.

Шоҳайдор МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари.

Долзарб мавзу!



Сарез кўли

ёки Тожикистондаги яна бир глобал гидрологик муаммо хусусида

Бу кўл масаласи дастлаб ўтган асрнинг 80-йилларида кўтарилган эди. Ушунда мутахассислар уни ўрта Осиё учун жуда катта хавф-хатар дейишганди.

→ 3

Эътироф

Ўзбекистондек гўзал мамлакатни кўргангидан жуда хурсандман. Сафар асноси мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида, жумладан, тўқимачилик соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилаётганига гувоҳ бўлдим. Юқори сифатли ўзбек пахтасидан тайёрланаётган матолар ва кийим-кечакларга дунё миқёсида талаб ошиб бораётди. Мамлакатда мода ва дизайн соҳаси ҳам юксалиб бормоқда. Ўзбекистон бу соҳанинг равнақ топиши бўйича дунёда етакчи давлатлар орасидан мустақкам жой олмақда. Бу заминга келишдан мақсад — тўқимачилик тармоғида фаолият юритаётган корхоналар билан яқиндан танишиш ва ҳамкорлик шартномаси тузиш эди. Ниятим рўёбга чиқиб, маъзур йўналишдаги ҳамкорлигимиз янада мустақкамлашига ишонаман.

Бей ЛИНХУ (Хитой)

Янгиликлар

Қўшма комиссия мажлиси

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркменистон қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, ёқилғи-энергетика, тиббиёт, савдо-саноат, сармоя, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, божхона, машинасозлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда ўзаро махсулот айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни изчил ривожлантириш бўйича фикр алмашилди.

Маҳорат машғулотда ошади

Ўзбекистон ўсмирлар футбол жамоаси шу йил 18 июнь — 10 июль кунлари Мексикада бўладиган жаҳон чемпионати пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Маълумки, улар ўтган йили Тошкентда ўтказилган 16 ёшга бўлган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган ва жаҳон чемпионати йўлнамасини қўлга киритган. Еш футболчилар чемпионатга тайёргарлик кўриш учун ўқув-машғулот йиғинини пойтахтимизда ўтказди.

Бош мураббий Алексей Евстафеев машғулотларга ишончли ўйин кўрсатаётган йигирма саккиз футболчини жалб қилди. Улар жисмоний, техник, тактик ва рухий тайёргарлик машғулотларидан ташқари, Қозғис-тон футбол клублари билан урта синов-назорат учрашувида майдонга тушди.

«Шахтёр» жамоасига қарши дастлабки баҳсда кучлар тенг келди. Хар икки жамоа вакиллари бир неча маротаба хавфли ҳужум уюштирган бўлса-да, ўйинда ҳисоб очилмади — 0:0.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 22 FEBRALDAN BOSLAB HORIJIIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1684,99	1 Миср фунти	283,23	1 СДР	2593,56	10 Жанубий Корея вони	14,88
1 Англия фунт стерлинги	2701,35	1 Канада доллари	1687,64	1 Туркия лираси	1054,23	10 Япония иенаси	200,33
1 БАА дирҳами	453,21	1 Хитой юани	253,51	1 Швейцария франки	1760,65	1 Россия рубли	56,89
1 АҚШ доллари	1664,52	1 Малайзия ринггити	548,35	1 Евро	2256,13	1 Украина гривнаси	209,59

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъзур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Долзарб мавзу!


Сарез кўли

ёки Тожикистондаги яна бир глобал гидрологик муаммо хусусида

Бугунги кунда инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш, табиатдан оқилона фойдаланиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Бу каби глобал муаммолар Марказий Осиё мамлакатларини ҳам четлаб ўтмапти. Орол денгизининг қуриши, Тожикистон алюминий заводининг нафақат Ўзбекистон табиғига, аҳолисига, қолаверса, бутун минтақадаги, шу жумладан, Тожикистон ҳудудининг экологик вазиятига етказган ҳалокатли таъсири ўз кўлимиз билан ўзимизга чоҳ қазаётганимизни кўрсатиб турибди.

рида Мурғоб дарёси йўли тўсилган. Натижада шу кундан бошлаб Сарез кўли ҳосил бўла бошлайди.



педияция юборилади. Асосий вазифа тўғоннинг мустақамлигини аниқлаш эди. Экспедиция яқин орада унинг бузилиш хавфи йўқ, шунингдек, қўлдан сув сизиб, сатҳи парисайиб бориши ҳам мумкин, деган фикрни айтган.

марта, Жанубий Сурхон сув омборидан 22 марта зиёд. Унда бир неча кўлтиқлар ҳосил бўлган. Энг улкани, шубҳасиз, Лангар дарёсининг қуйилиш жойидир.

доктори, профессор Шопўлат Шайдуллаев. — Бу эса илгари ҳам турли табиий ҳодисалар содир бўлганидан далолатдир.

Сарезга Мурғобдан ташқари, Лангар, Маржонсой ва бошқа дарёлар ҳам қуйилади. Уларда фақат баҳор ойларида сув кўпаяди, қишда эса муз қалинлиги 50-60 сантиметрга етиши мумкин.

— Сарез табиий кўлларнинг энг ёши ҳисобланади, — дейди тарихчи олим Баҳодир Турғунов. — Помирдаги бу кўл тақдирини кўп йиллардан бери инсониятни қизиқтириб келмоқда.

— Ушбу ҳудуд сейсмик зонага кирди, — дейди география фанлари номзоди Қилич Алланов. — Шунингдек, бу кўл тўғони альпинист В.Раец кўл тўғони бўзилиб кетмайдиган, деган фикрни илгари суради.

— Тожикистон Республикаси мутахассислари катта маблағ сарфлаб Роғун ГЭСини қуриши ўрнига, Сарез муаммосини йўллаш лозим, — дейди иқтисод фанлари доктори Очиди Ҳотамов.

Бу кўл масаласи дастлаб ўтган асрнинг 80-йилларида кўтарилган эди. Ушанда мутахассислар уни Ўрта Осиё учун жуда катта хавф-хатар дейишган.

— Сарез табиий кўлларнинг энг ёши ҳисобланади, — дейди тарихчи олим Баҳодир Турғунов. — Помирдаги бу кўл тақдирини кўп йиллардан бери инсониятни қизиқтириб келмоқда.

Ушбу ҳудуд сейсмик зонага кирди, — дейди география фанлари номзоди Қилич Алланов. — Шунингдек, бу кўл тўғони альпинист В.Раец кўл тўғони бўзилиб кетмайдиган, деган фикрни илгари суради.

— Тожикистон Республикаси мутахассислари катта маблағ сарфлаб Роғун ГЭСини қуриши ўрнига, Сарез муаммосини йўллаш лозим, — дейди иқтисод фанлари доктори Очиди Ҳотамов.

Уша муҳдиш — 18 февраль кунини 10 миллиард тоннага яқин кўчки талай ҳудудни ўз қамомига тортиган. Упирилиш вақтида Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида 300 дан зиёд уй вайрон бўлиб, талай киши ҳаётдан кўз юмган.

— Сарез табиий кўлларнинг энг ёши ҳисобланади, — дейди тарихчи олим Баҳодир Турғунов. — Помирдаги бу кўл тақдирини кўп йиллардан бери инсониятни қизиқтириб келмоқда.

Ушбу ҳудуд сейсмик зонага кирди, — дейди география фанлари номзоди Қилич Алланов. — Шунингдек, бу кўл тўғони альпинист В.Раец кўл тўғони бўзилиб кетмайдиган, деган фикрни илгари суради.

— Тожикистон Республикаси мутахассислари катта маблағ сарфлаб Роғун ГЭСини қуриши ўрнига, Сарез муаммосини йўллаш лозим, — дейди иқтисод фанлари доктори Очиди Ҳотамов.

Молия муассасаларида

htb «HI-TECH BANK» кредитлари

корхоналарни модернизация қилишга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори банк соҳасида ҳам хусусий тармоқни шакллантириш илҳомли билан амалга оширилмоқда.

рига 140,6 млн.сўм ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқ корхоналарига 1 146,4 млн. сўм кредит маблағлари берилди.



Банк фаолияти Марказий банкнинг 2010 йил 9 январдаги қарорига мувофиқ банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга асосан амалга оширилмоқда.

техника ва технологиялар билан жиҳозлашга, кўчмас мулк харид қилишга ҳамда ишлаб чиқаришнинг айланма маблағларини оширишга йўналтирилган.

Президентимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиретишга доир қарорига асосан 655,7 млн.сўм, нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ривожлантириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 3 873,0 млн.сўм маблағ ажратилган.

ни қозониб келмоқда. Банк жамоаси жорий йилда ҳам иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш янада кенгайтиришга бел болаган.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти Денов шаҳридаги «Мурувват» эркаклар уйини капитал реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 1957,850 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1631,540 млн. сўм, қурилиш муддати — 8 ой.

Лот 1-1. Кумкўрғон тумани «Кумкўрғон-Жийдали» маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 122,168 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 101,807 млн. сўм, қурилиш муддати — 3 ой

Лот 1-2. Сарисий тумани Шаргун шаҳрини ичимлик суви билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 117,012 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 97,510 млн. сўм, қурилиш муддати — 3 ой.

Лот 1-3. Сарисий тумани «Хурватан» маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 85,204 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 71,003 млн. сўм, қурилиш муддати — 2 ой.

Лот 1-4. Бандихон (ҳозирги Қизирик) тумани «Ўртабўз» қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 141,590 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 117,992 млн. сўм, қурилиш муддати — 3 ой.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Қўрғонча» ҚФЙдаги 44-умумтаълим мактаби қошида 9x18м ўлчамдаги (ёрдამчи хўжалик бинолари билан биргаллик) спортзал қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 211,294 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 176,078 млн. сўм, қурилиш муддати — 4 ой.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжинириг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй, Тел./факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни берилган банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳорланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари қўзда тутилади: танлов иштирокчиларнинг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан (хизматлар) киритилиши қўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳорланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари қўзда тутилади: танлов иштирокчиларнинг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан (хизматлар) киритилиши қўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: — 70 000 — 120 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темури кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: — 70 000 — 120 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амир Темури кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Extrem Servis» масъулияти чекланган жамияти (ОКОНХ 61124, ОКПО 20346628, ИНН 205762894) ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

